


Бундан ташқари, интернет тизимида ахлоқсизлик ва шафқатсизликни тарғиб этадиган, инсон руҳиятига салбий таъсир этадиган, турфа хил қимор ўйинлари жойлаштирилган кўплаб сайт ва порталлар мавжудлигини эътиборга олиш зарур.

Масалан, Star craft, Line age, GTA, Cat Woman, Sims city, Mortal combat, War Craft каби юзлаб сайтларда жойлаштирилган ўйинларда «кахрамон» ниқоби остида ўтаёвуз ва шафқатсиз ғояларнинг тарғиб этилаётгани ёшларнинг ахлоқини буткул издан чиқариб юбориши. Уларнинг дийдасини қотириб, эзгулик ва ёвузликни фарқламайдиган, ҳамма нарсага бефарқ ўзига хос манкуртларга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Албатта, бундай бузғунчи сайтларга муқобили тарзда миллий менталитет, урф-одат ва қадриятларимизга йўғрилган, болалар ва ўсмирларга мос, уларнинг қизиқиш оламига хос сайтларни яратиш зарур.

Шубҳасиз, интернет билим ва керакли ах-



борот олиш учун улкан имконият яратади. Аммо, интернет тармоғида жойлаштирилган катта ҳажмдаги ахборот ва маълумотларнинг барчасини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди. Шундай экан, интернетдан фойдаланувчи ёшлар маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш учун танқидий фикрлаш қобилиятига, бу глобал тармоқнинг билим ва дунёқарашини кенгайтириш борасидаги улкан имкониятларидан оқилона фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши зарур.

М А Н З И Л:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.**

Тел: 233-99-40.

Веб-сайт: manaviyat.gov.uz

Э-почта: manaviyat@umail.uz

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. Тошкент, Тараққиёт
2-Берккўча, 2-уй. Буюртма №21. Адафи 1000.



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ



Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўнаиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этади.

Ислом КАРИМОВ

Дарҳақиқат, бугунги кунда замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллади. Агар ўтган асарнинг 90-йилларида ёшларнинг сеvimли машғулоти мусиқа тинглаш ва телекурсадувлар кўриш бўлса, эндиликда компьютер ва интернет том маънода етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда интернетнинг зарур маълумот ва ахборот олиш, билим доираси ва дунёқарашни кенгайтириш борасида ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма,



деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, шакшубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу-мақсадларимизга ҳам тўғри келмайди». Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида ёшларга, авваламбор, интернет имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, оқни қорадан ажрата олиш ва тегишли хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш зарур. Юртбошимиз



таъбири билан айтганда, «ёш авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олсин, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргансин».

Бунинг учун фарзандларимиз дунёқарашининг кенгайиши, интеллектуал даражаси ва маънавиятининг юксалишига хизмат қиладиган веб-сайтлардан фойдаланишга ўргатиш, бунинг учун эса тарбиячи-устозларнинг ўзи бу борада етарли билим ва салоҳиятга эга бўлиши, замонавий коммуникация технологияларини пухта ўзлаштириши ўта муҳим аҳамият касб этади.



Энг муҳими, интернет орқали бизнинг менталитетимиз, урф-одат ва азалий қадриятларимизга мос келмайдиган турмуш андозалари, индивидуализм фалсафаси, муайян сиёсий доиралар, бузғунчи гуруҳлар манфаатларига хизмат қиладиган ғоя ва қарашларни кенг тарғиб этиш воситасига айланиб бораётгани, ҳатто мазкур тизим имкониятларидан трансмиллий жиноят-корона гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганидан қўз юмиб бўлмайди.

